Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 20 феврал • сешанба • № 22 (3995)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

### Мактаб ўқувчиси қандай овқатланяпти?

Жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати бўйича кимёвий кўрсаткичларга оид 118 та намуна таҳлил қилинган бўлса, шундан 2 таси, бактериологик таҳлил ёрдамида ошхона ва буфетлар тозалигини текшириш мақсадида 690 та суртма олинган бўлса, шундан 34 таси талабга жавоб бермаган.

3-бет



### Яна хўжакўрсингами?

Меҳнат муҳофазаси қоидалари ортида инсон тақдири, саломатлиги ва ҳаёти турибди. Мақсад манфаатдор ташкилотларнинг эътиборини мавжуд муаммоларни, улуғ неъмат бўлмиш ҳаётга хавф солувчи омилларни бартараф этишга жалб қилишдан иборат эди.

3-бет



### «Севги изтироби» экранга қайтадими?

— Шу сериал бошланганида телевизорни бошқа каналга олганим учун оиламдагилар билан аразлашиб ҳам қолдим, — дейди Икромжон Каримов. — Бировнинг хотинига кўз олайтираётган йигит, ўз эри қолиб, бошқа йигитнинг ортидан чопаётган аёлнинг шаҳвоний кечинмаларининг бизга нима кераги бор?

4-бет



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

**биринчидан,** телекоммуникация инфратузилмаси етарлича ривожланмаган, мамлакатнинг олис аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари билан таъминланмасдан қолмоқда, мобил алоқа ва Интернет тармоғининг сифати аҳоли эҳтиёжларини қондирмаяпти;

**иккинчидан,** давлат бошқаруви тизимига ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этишда ягона технологик ёндашувнинг самарали амалга оширилмаганлиги сабабли идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари алоҳида-алоҳида жорий қилинмоқда, бунинг оқибатида уларни ягона ахборот маконига интеграциялаш жараёни мураккаблашмоқда;

**учинчидан,** электрон тижоратда интеграциялашган савдо ва маркетинг платформалари, интернет-дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, логистика тизимларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, бу иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожланиши, чет эл инвестициялари жалб қилиниши тўхтатиб турилишининг сабабларидан бири бўлмоқда;

**тўртинчидан,** давлат ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот хавфсизлигини ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминлаш ишларининг заиф ташкил этилганлиги ахборотдан рухсатсиз фойдалана олиш, маълумотлар базаларининг бутунлиги ва махфийлигини бузиш имкониятини оширмоқда;

**бешинчидан,** кўплаб давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам бериш, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган ахборотлаштириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмаяпти;

**олтинчидан,** почта алоқа хизматлари ва логистика тизимини модернизация қилиш, почта алоқаси миллий оператори фаолиятининг сифат жиҳатдан янги услубларини жорий этиш ва бозорда унинг фаолияти мавқеини оширишга доир таъсирчан чоралар кўрилмаяпти;

**еттинчидан,** ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими IT-технологиялар ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олмаяпти, шунингдек, таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари билан самарали мулоқотни ташкил қилиш имконини бермаяпти;

**саккизинчидан,** электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизими, уларнинг шаффофлиги ва очиқлиги, шунингдек, телекоммуникация инфратузилмасининг ривожланишида анча илгарилаб кеттан мамлакатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиш ва жорий этиш бўйича тизимли иш олиб борилмаяпти.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, электрон давлат хизматлари ва телекоммуникация хизматлари спектрини кенгайтириш, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг:

Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфига ўтказиш;

«Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази» давлат муассасасини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тузилмасига бериш;

«Матбуот тарқатувчи» АКни белгиланган тартибда «Ўзбекистон почтаси» АЖга қўшиш масаласини «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида кўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2 ▸

## ҲАР БИР СОҲА ВА ЙЎНАЛИШ, ҲАР БИР ФУҚАРО ТАҚДИРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

*Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16-17 феврал кунлари Бухоро вилоятида бўлди.*

Ташрифнинг биринчи куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кенг кўламли иқтисодий лойиҳалар билан танишди, вилоятда барпо этилаётган замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлди, ёшлар, турли соҳа вакиллари билан суҳбатлашди.

Бухоро вилояти аҳолисининг 48 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларни соғлом ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифининг иккинчи кунини Бухоро шаҳар Ёшлар маркази фаолияти билан танишишдан бошлади. Марказ тўгаракларида олиб борилаётган машғулотлар жараёнини кузатди.

Ўтган йили собиқ Маданият саройининг эски биноси капитал таъмирланиб, Ёшлар марказига айлантирилди. Уч қаватли замонавий бинода Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши фаолият кўрсатмоқда. 808 ўринли томоша зали ва 280 томошабинга мўлжалланган кинозал ёшларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш учун жуда қулай.

Масканда инглиз ва рус тиллари, шахмат-шашка, стол тенниси, ёш актёрлар, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёшлар туризми, мактабгача таълим, инклюзив таълим, тасвирий санъат, тикувчилик каби 20 дан зиёд тўгарак, руҳшунос-маслаҳат маркази фаолият кўрсатади. 4000 китоб фондига эга кутубхона ҳам ёшлар ихтиёрида.

Ёшлар маркази яқинида Бухоро давлат университети, Санъат коллежи каби қатор билим масканлари жойлашгани ушбу ўқув юртлари талаба ва ўқувчилари учун марказ тўгараклари ва кутубхонасидан фойдаланишда катта қулайлик яратади.

Давлатимиз раҳбарига Ёшлар марказида жорий йилда ташкил этиладиган янги тўгараклар, истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

— Энг яхши фазилатлар китобда мужассам. Биз ёшларимизни билимли, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашни истасак, уларни китобга меҳр руҳида вояга етказишимиз, турли касбларга ўргатишимиз керак, — деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Бухоро — Когон йўли бўйида қурилаётган кўп қаватли уйларни бориб кўрди. Бу уйлар қурилиши 2017 йил май ойида бошланган ва уларни жорий йил мартда якунига етказиш мўлжалланган. Умумий мажмуа сифатида қурилаётган уйлар сони 39 та бўлиб, 1024 хонадондан иборат. 5 қаватли ва асосан 2, 3 хонали уйлар 15 йил муддатга кредит асосида берилади.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига вилоятда олиб бориладиган янги қурилишлар ҳақида маълумот берилди. Когон шаҳрида қурилаётган 6 ва 7 қаватли уйлар қарийб 2 гектар майдонни эгаллайди.

Бухоро шаҳрининг Ислом Каримов кўчаси бўйидаги иншоотларни қайта қуриш лойиҳасига кўра, савдо, кўнгилочар марказлар, ижтимоий соҳа обеъктлари барпо этилади. Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини айтди.

2 ▸

## КУН НАФАСИ

Президент матбуот хизмати хабарига кўра, 17 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **Литва Республикаси Президенти Даля Грибаускайтега Литва давлати қайта тикланган кун** муносабати билан табрик йўллади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга «Чуньцзе» байрами — ой тақвими бўйича Янги йил** муносабати билан табрик йўллади.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Исфаҳон вилоятида юз берган авиаҳалокат оқибатида кўплаб инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан **Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний ва Эрон халқига, марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига** ҳамдардлик билдирди. Бу ҳақда Президент матбуот хизмати хабар берди.

Эслатиб ўтамиз, 18 феврал куни Теҳрондан Ясуж шаҳрига учаётган вақтда Эроннинг «АТР 72-600» русумли самолёти мамлакатнинг марказий қисмида, Исфаҳон вилоятининг тоғли ҳудудидаги Семиром аҳоли пункти яқинида қулаб тушган ва самолётдаги барча одам ҳалок бўлган эди.

***

**Алишер Атаханович Усманов Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Президент Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари** лавозимига тайинланди.

А. Усманов бунга қадар Президентнинг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири вазифасида ишлаб келаётган эди.

***

Халқ депутатлари Косонсой тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. 2017 йилдан Косонсой тумани ҳокими вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган **Юлдашев Жавлонбек Набижонович Косонсой тумани ҳокими** этиб тайинланди.

***

Халқ депутатлари Чимбой тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди. Шу кунга қадар туман ҳокими лавозимида ишлаб келган Осербай Қазақбаев лавозимидан озод этилган. Унинг ўрнига **Пўлат Эшанов туман ҳокими** лавозимига тайинланди.

П.Эшанов бунга қадар Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган эди.

***

**Иброҳим Инамович Олимжонов Тошкент фармацевтика институти ректори** этиб тайинланди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор И. Олимжонов илгари Андижон тиббиёт институтининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида фаолият юритган.

***

**Абдурашид Абдурахманович Исроилов «Асака» акциядорлик тижорат банки бошқаруви раисининг ўринбосари** этиб тайинланди.

А. Исроилов илгари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида Ички назорат департаменти директори вазифасида фаолият юритган.

***

**Россия Ўзбекистонга МДҲ давлатларининг ёшлар ишлари бўйича Кенгаши аъзоси бўлишни таклиф қилмоқда.** Ушбу ташаббусни Ёшлар сиёсати ва халқаро муносабатлар институти директори ўринбосари, МДҲ ёшлар ташкилотининг вакили Дмитрий Бункин II Ўзбекистон — Россия ёшлар форуми доирасида айтиб ўтди.

Унинг айтишича, айни вақтда Ўзбекистон Кенгаш аъзоси эмас. Бироқ агар Кенгаш тегишли қарорлар қабул қилса, Ўзбекистон шу йилнинг ўзидаёқ унга аъзо бўлиши мумкин.

**Интернет нашрлари хабарлари асосида тайёрланди**

**Жаҳонга юз тутаётган юрт**

## Кун тартибида Ўзбекистон тажрибаси

Ҳаракатлар стратегияси
2017-2021

**24 — 26 апрел кунлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан пойтахтимизда «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» номли халқаро анжуман ўтказилиши режалаштирилган. Мухбиримиз муҳим тадбирга тайёргарлик ишларининг бориши билан қизиқди.**

— Бугунги кунда анжуман ишида иштирок этиш истагини билдирган 100 дан зиёд мамлакат вакиллари ва экспертлари ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларига таклифномалар юборилди, — дейди ЎзКУФК раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. — Тадбирни ўтказиш жойи, меҳмонларни жойлаштириш, рўйхатга олиш ва бошқа ташкилий масалаларга масъуллар белгиланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар ҳамда фуқаролик институти вакилларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар олиниб, ўрганиб чиқилди. Мутахассислар томонидан Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, шу кунгача амалга оширилган ишлар тўғрисида маърузалар, қўлланма ва кўргазмали материаллар тайёрланмоқда.

Эътиборли жиҳати, мазкур анжуман Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 113-Ф сонли фармойиши ижросини таъминлаш, Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқувчи вазифалар, мамлакатимизнинг янги иқтисодий ва сиёсий қиёфасини халқаро ҳамжамиятга намойиш қилиш, олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз билан таништириш, амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатни кенг жамоатчиликка, дунё ҳамжамиятига етказиш ва бу борада халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида ўтказилмоқда.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси тараққиётимизни янги босқичга олиб чиқиши жиҳатидан эртанги кунимизнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи муҳим ҳужжатдир. Бугун кўпчилик халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларида юртимизда бўлаётган ўзгаришларга нисбатан ижобий таассуротлар уйғонмоқда. Хорижий нашрларда тез-тез Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида материаллар эълон қилиб борилмоқда. Инвестициялар оқими кўпаяётир. Ислоҳотларга ишонч мустаҳкамланяпти. Бу эса, пировардида, халқимизнинг турмуш шароити яхшиланишига, кучли ижтимоий ҳимояни шакллантириш, ҳуқуқий-демократик жамият барпо қилишга хизмат қилади. Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган муҳим тарихий ҳужжат бўлмиш 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мазмун ва моҳияти ҳам ана шунда.

Анжуман доирасида Ҳаракатлар стратегиясида қайд этилган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устувор йўналишлари ҳамда аниқ марраларини белгилаш мақсадида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбар ва мутахассислари билан амалий суҳбат ҳамда муҳокамалар олиб борилади, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маърузалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилади, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинади.

Халқаро анжуманнинг асосий ялпи мажлиси «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтади. Кичик мажлислар «Hyatt Regency Tashkent», «Wyndham Tashkent», «Grand Mir» ва «International Hotel Tashkent» меҳмонхоналари конференция залларида ўтказилиши режалаштирилган.

Шунингдек, иштирокчиларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий соҳа объектлари, ташкилотлар ҳамда тарихий обидалар бўйлаб саёҳатлари ташкил этилади.

Халқаро анжуман якунида тегишли ҳужжатлар қабул қилинади.

**Ўз мухбиримиз**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
**ФАРМОНИ**

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◂ 1

Вазирлик икки ҳафта муддатда ўтказилаётган ташкилотларнинг штат бирликлари ва бинолари, шунингдек, уларга тегишли бўлган товар-моддий бойликлар, шу жумладан пул маблағларининг Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига берилишини таъминласин.

2. Қуйидагилар вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда муносабатларни тартибга солиш, электрон ҳукуматни жорий этиш, ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш фаолиятини мувофиқлаштириш;

«охирги миля» тамойили бўйича Интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланишни кенгайтириш, мультисервисли алоқа тармоқлари технологиялари, мобиль алоқа бозори, бошқа замонавий телекоммуникация хизматлари, шунингдек, логистика ва почта алоқаси хизматлари орқали телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини, «ягона дарча» тамойили бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимларини шакллантиришга ягона технологик ёндашув амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал секторида инновацияларни жорий қилишга кўмаклашиш, рақамли иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш, шу жумладан ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш, электрон тижоратнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

шаҳар ва ҳудудий инфратузилмани, шу жумладан келгусида интеграциялашган, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳар ягона комплексига бирлаштирган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт логистикасини, шошилинч хизматларни бошқаришнинг замонавий интеллектуал тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

технопарклар ва коворкинг-марказлар фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида замонавий рақобатбардош ва экспорт учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ривожлантиришни рағбатлантириш, шарт-шароитлар яратиш ва инвестицияларни жалб қилиш;

етакчи хорижий компаниялар ва таълим муассасаларининг энг яхши амалиёти асосида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стратегик ва лойиҳа бошқаруви, менежмент, маркетинг бўйича илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкил қилиш;

киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш;

тақдим этилаётган телекоммуникация ва почта алоқаси хизматларининг юқори сифатини таъминлаш мақсадида ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишининг давлат назоратини амалга ошириш;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини қўллаш ва ривожлантириш масалалари бўйича, шу жумладан, техник стандартлар, регламентлар жорий этилишини ташкил қилиш, шунингдек, Вазирликнинг фаолият соҳасига кирадиган бошқа йўналишлар бўйича халқаро ташкилотлар, чет эл компаниялари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан фойдаланишда янги ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини ишлаб чиқишга, биринчи навбатда, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифатини ва тезкорлигини оширишга, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам беришга, қоғоз ҳужжат айланишини камайтиришга қаратилган электрон давлат хизматларини жорий этишга устувор эътибор қаратадилар;

давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимлари уч йилда бир марта мос равишда Вазирлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида аттестациядан ўтадилар;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият республика органлари бўлинмаларининг раҳбарлари Вазирлик билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадилар;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият ҳудудий органлари бўлинмаларининг раҳбарлари Вазирликнинг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадилар.

4. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Вазирлик ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция (кейинги ўринларда — Инспекция) этиб қайта ташкил этилсин.

Инспекция ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонунчилик, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланиши белгилансин.

2018 йил 1 апрелдан Инспекцияга қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари талаблари ҳамда алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида тақдим этилаётган хизматлар сифатининг бузилиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, олиш ҳуқуқи берилсин.

5. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги икки ой муддатда «Ўзбекистон почтаси» АЖ почта алоқаси миллий операторига агент сифатида банк ва суғурта хизматларини кўрсатиш, шу жумладан тўловларни қабул қилиш ва ўтказиш, банк карталарига хизмат кўрсатиш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш, ихтиёрий ва мажбурий суғурта қилиш хизматлари ва аутсорсинг шартларида бошқа хизматларни кўрсатиш ҳуқуқларини тақдим этиш масаласини ўргансин ҳамда ушбу бандни амалга ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлик Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қуйидагилар бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

«Ўзбекистон почтаси» АЖни, шу жумладан чет эл маслаҳатчиларини жалб қилган ва илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ислоҳ қилиш;

почта алоқаси операторлари ва курьерларининг тармоғини ривожлантириш, хорижда халқаро почта жўнатмаларининг алмашинув пунктларини ташкил этиш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2018 йил 1 июндан:

тадбиркорлик субъектлари товарлар, ишлар (хизматлар) экспорт қилинганлиги учун экспорт шартномаси тузмасдан ва банк комиссияси ундирилмасдан, Интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари орқали, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича айрим товарлардан ташқари, товарлар, ишлар (хизматлар) экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эга;

тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижоратдан фойдаланиш орқали сотиладиган товарлар айланмаси уларнинг ҳажмидан қатъи назар, чакана савдо ҳисобланади;

б) ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида халқаро консалтинг компаниялари ва экспертларини жалб қилиш, ўз IT-инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Вазирлик ҳайъати томонидан аниқланади;

г) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади;

д) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга масъул бўлган бўлинма раҳбарлари ҳар йил якунлари бўйича Вазирлик қарори асосида ахборот тизимлари, электрон давлат хизматлари ва ахборотлаштиришни жорий этиш режалари ва дастурларининг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилганлиги учун, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 100 баравaригача миқдорда мукофотланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 августга қадар муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурларини ва устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли мобиль алоқа, Интернет тармоғидан кенг доирада фойдаланишини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, коммунал хизмат кўрсатиш, туризм соҳасида замонавий ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базаларини жорий қилиш, шунингдек, «ақлли» ва «хавфсиз» шаҳарлар ҳамда ҳудудларни ташкил қилиш;

давлат-хусусий шериклик асосида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, экспортбоп дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш;

жойларда, айниқса, олис жойларда электрон давлат хизматларини тақдим этиш тизимини янада кенгайтириш.

Белгилансинки, дастурларни ва лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини молиялаштириш Фонд маблағлари ҳисобидан, тегишли ҳудуд мобил алоқа хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар томонидан тўланадиган абонент рақамидан фойдаланганлик учун келиб тушадиган сумманинг 5 фоизгача бўлган миқдорида амалга оширилади.

9. Мазкур Фармоннинг 8-бандида назарда тутилган дастурларнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш ва идоралараро мувофиқлаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Вазирлик билан биргаликда бир ой муддатда:

дастурлар қабул қилинганидан кейин ҳудудий кенгашлар таркибларини тасдиқласин, шунингдек, дастурлар ижросининг ҳар ойда кўриб чиқилишини таъминласин;

«Компьютерлаштириш маркази» ДУКни «Электрон ҳокимият» ахборот тизимини яратиш ва жорий этишни асосий вазифа деб белгилаган ҳолда «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУКга айлантириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни кўрсин.

10. Вазирлик ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида, шу жумладан унинг филиалларида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ўқув жараёнининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш суръатлари билан узлуксиз алоқасини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ўқув режалар ва дастурлар, битирувчилар учун малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

профессор ўқитувчилар таркиби меҳнатини ўқитишнинг кредит тизими шартларидан келиб чиқиб фақат таълимга хос тадбирлар асосида иш вақти ҳисобга олинишига асосланган ҳолда мустақил нормалашни амалга ошириш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш ҳуқуқи берилсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда кредит тизими бўйича ўқитиш тартибини белгилайдиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлик ва Инспекция фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини киритсин;

бир ой муддатда Вазирлик ва Инспекция тўғрисидаги янгиланган низомларни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4702-сон Фармони 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 19 феврал

# АКАДЕМИК АЗИЗХОН ҚАЮМОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Атоқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, академик Азизхон Пўлатович Қаюмов 92 ёшида вафот этди.

А.Қаюмов 1926 йили Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида зиёли оиласида туғилди. 1949 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини тамомлади.

Бўлғуси олим ўз меҳнат фаолиятини 1949 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим сифатида бошлади. 1954 йилда номзодлик, 1962 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

А.Қаюмов узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти директори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудири, Маданият вазири, Давлат кинематография комитети раиси, Тошкент давлат маданият институти ректори, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори каби масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қилди. 1995 — 2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати сифатида фаолият олиб борди.

1998 йилдан ҳаётининг охирги кунларигача Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг етакчи илмий ходими вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди.

XX аср ўзбек адабиётшунослигининг улуғ намояндаси Азизхон Қаюмов юксак интеллектуал салоҳият соҳиби, атоқли олим, заҳматкаш ва толмас тадқиқотчи сифатида Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари асарларини пухта ўрганиб, бу улкан адабий меросни халқимизга етказишда ҳақиқий фидойилик ва маънавий жасорат кўрсатди.

Устоз адабиётшуноснинг ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари, ўн жилдлик «Танланган асарлар» тўплами, шунингдек, «Навоийга таъзим», «Алишер Навоий», «Дилкушо такрорлар — руҳафзо ашъорлар», «Аҳмад Фарғоний» каби кўплаб сермазмун асарлари китобхонларнинг маънавий мулкига айланди.

Ёрқин истеъдод ва тафаккур эгаси бўлган академик олим ўз фаолияти мобайнида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

Азизхон Қаюмов умрининг охирига қадар юртимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида фаол иштирок этди. У ўзининг теран ақл-заковати, бетакрор истеъдоди, меҳнатсеварлиги, бағрикенглик ва меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлари билан адабиёт ва санъат мухлислари, ёшлар орасида, бутун халқимиз ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган эди.

Академик А.Қаюмовнинг мамлакатимиз илм-фани, адабиёт ва санъатини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони, «Эл-юрт ҳурмати», «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Азизхон Қаюмовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ, М.АҲМЕДОВ, Б.НАЗАРОВ**

# ҲАР БИР СОҲА ВА ЙЎНАЛИШ, ҲАР БИР ФУҚАРО ТАҚДИРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

◂ 1

Бухоро шаҳрининг бош режасига кўра, И.Каримов, О.Эшонов, Ҳамза, М.Иқбол, С.Айний кўчалари кесишмаларидаги турар жой мавзелари қайта қурилади. Тартибсиз ва маънавий эскирган уйлар янгиланади.

Бу ердаги беш массивда 785 хонадонли 57 турар жой биноси, 181 нотурар жой бино ва 28 та ҳовли мавжуд. Янги лойиҳага кўра, 3399 хонадонли 57 турар жой биноси, 370 нотурар жой бино барпо этилади.

— Бу энг муҳим масала, — деди Президентимиз. — Одамларни рози қилиш учун аввало, уларнинг яшаш жойларига эътибор қаратишимиз, турмуш шароитини яхшилашимиз лозим.

Лойиҳаларда кўрсатилганидек, Бухоро шаҳридаги Ибн Сино кўчаси қайта қурилади. Бундан ташқари, Алпомиш ва Фароғий кўчалари кесишмасида умумий мажмуа сифатида янги турар жой бинолари қад ростлайди.

Бухоро вилоятида кўп қаватли уй-жой фондини яхшилаш дастурида эса, жорий йилда 546 та кўп қаватли уйни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган.

— Бухоро — сайёҳлар кўп келадиган шаҳар. Бу ерда тарихий обидалар кўп, лекин замонавий бино ва иншоотлар кам, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу кўчалар бўйида замонавий бинолар қуриш керак. Бухоро нафақат тарихий, балки замонавийлик нуқтаи назаридан ҳам етакчи бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбарига Бухоро давлат тиббиёт институтининг 900 ўринли ўқув биноси ва 200 ўринли клиникаси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг қабул-диагностика бўлимини қуриш ва 120 ўринли даволаш корпусини реконструкция қилиш лойиҳалари тақдим қилинди.

Вилоятда йўловчи ташиш тизимини ривожлантириш режасига кўра, катта сиғимли автобуслар харид қилинади. Бухоро вилоятидан Россиянинг Москва, Уфа, Санкт-Петербург каби шаҳарларига янги йўналишлар йўлга қўйилади. Бундан ташқари, мавсумий йўналишлар ташкил қилиниб, вилоятларга қатновлар амалга оширилади.

— Транспорт тизимини такомиллаштирадиган вақт келди, — деди Президентимиз. — Шу пайтгача бу соҳага етарлича эътибор берилмади. Қанчадан-қанча автобус саройлари хусусийлаштириб юборилди. Чекка жойларга транспорт воситалари бормайди. Одамлар шаҳарга келишга қийналади. Бунинг учун жамоат транспорти тизимини тартибга олиш зарур.

Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш режаси ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, 2019 йилдан вилоятнинг асосий қисми ичимлик суви билан таъминланади. Айни пайтда бу борадаги кўрсаткич 51 фоиз, холос. Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган лойиҳада Қоракўл ва Олот туманлари аҳолисини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни имкон қадар қисқа муддатларда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Лекин, ишнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлди.

Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани ҳозирги таҳликали замонда мамлакатимиз мудофааси ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлик даражасини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шароит яратилган. Ўқув бинолари, аудиториялар, компьютер синфлари, электрон кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Президентимиз дастлаб Мудофаа вазирлиги қўшинларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий разведка тизимини такомиллаштириш, Бухоро вилояти ҳарбий-маъмурий сектори фаолияти, вилоятда ҳарбий шаҳарча барпо этиш борасидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Ҳарбий соҳанинг жамиятимиздаги нуфузини ошириш, қисм ва муассасалар ошхоналарини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича жорий этилган outsource тизимининг аҳамияти, захирадаги офицер кадрлар билан ишлаш, таълим муассасаларида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, фаол ҳаётий позицияга эга инсонлар этиб тарбиялаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари қисмда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, билим олиши, жисмонан чиниқиши учун яратилган шароитларни кўздан кечирар экан, уларнинг назарий билим ва кўникмаси ҳамда жанговар тайёргарлигини муттасил ошириб бориш асосий эътиборда бўлиши зарурлигини қайд этди.

Президентимиз ташрифи муносабати билан ҳарбий қисм шахсий таркиби саф тортди. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони улар билан суҳбатда бугунги мураккаб даврда Ватан ҳимоячилари зиммасида осмонимиз мусаффолиги ва халқимиз тинчлигини таъминлашдек ғоят масъулиятли ва шарафли вазифа турганини, ҳарбий хизматчилар ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарларга қарши ҳар лаҳза тайёр туриши лозимлигини таъкидлади.

— Армия — халқимизнинг мустаҳкам қалқони, — деди Шавкат Мирзиёев. Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, армияни халқимизга яқинлаштиришдан иборат. Ватан ҳимоячиларининг хизмат шароитини яхшилаш, оиласи, фарзандларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича кўп ишлар қилаяпмиз. Бунга жавобан ҳарбийлар ҳам ота-боболаримизга муносиб бўлиши, замонавий билимларни пухта эгаллаб, ҳар куни ўз устида ишлаши, тажрибасини бойитиб бориши зарур.

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириб бориш, уларни хорижда ўқитишни ташкил этиш, ҳарбий соҳага қандай дастурлар олиб келиш бўйича таклифлар тайёрлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни ободонлаштириш ва тозаликка риоя қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 21 апрелдаги «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида 2017-2018 йилларда барча вилоятларда чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари қуриш кўзда тутилган.

Бугунги кунда чиқиндиларни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлар хориждан замонавий технологиялар келтириб, ўзига хос кластерлар ташкил этаётир.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 март кунлари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Когон туманида қурилиши мўлжалланган чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш кластери лойиҳаси билан танишган эди. Орадан бир йил ҳам вақт ўтмасдан, мазкур корхона иш бошлади.

Корхонага тумандаги бўш турган бино ва иншоотлар «ноль» қийматда берилди. Шартномага кўра, 1,6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, бинолар таъмирдан чиқарилди. 5,5 миллиард сўм маблағ эвазига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш иншоотлари барпо этилди.

Хориждан бир кеча-кундузда 450 тонна чиқиндини қабул қилиш қувватига эга линия келтириб, ўрнатилди. Бу ерда металл, тош, шиша, яроқсиз резина ва автошиналар, пластмасса, ёғоч-тахта бўлаклари, шох-шабба, макулатура, қурилиш материаллари чиқиндиси, кийим матолар сараланади ва қайта ишланади. Ушбу чиқиндилардан брикет, синтетик тола, қоғоз картон, тўқимачилик матоси, пишган ғишт, биогумус ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, экспорт қилинади.

Айни пайтда 400 дан зиёд киши меҳнат қилаётган корхонага Бухоро ва Когон шаҳарлари, Бухоро, Когон туманларидаги маиший чиқиндилар келтирилмоқда. Кейинчалик корхона фаолиятини кенгайтириш, вилоятнинг барча ҳудудларидан чиқиндиларни йиғиб, чиқинди полигонларини чиқиндилардан тозалаш режалаштирилган. Бу кўплаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Корхона атрофидан ишчилар учун уй-жой, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, ёпиқ сузиш ҳавзаси, шифохона, спорт майдончаси, автотурарғоҳ, мактаб ҳамда мактабгача таълим муассасаси қуриш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Чиқинди йиғиш қамрови ва қайта ишлаш қувватини янада кенгайтириш, шундай корхоналарни бошқа жойларда ҳам ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи якунига етди. Ташриф давомида ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам қайд этилиб, уларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. Бу ҳар бир соҳа, ҳар бир йўналиш, қолаверса, ҳар бир фуқаро тақдири Президент назоратида эканидан далолатдир.

**ЎзА**

Касаба уюшма санаторийларида

# Бухоронинг гавҳари: «Ситораи Моҳи Хоса»

*Мамлакатимизда саломатликни тиклашга кўмаклашадиган масканлар кўп. Улар орасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси алоҳида ўрин тутади. 1962 йилдан буён республикамиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари фуқароларига намунали хизмат кўрсатиб келаётган мазкур сиҳатгоҳ 2 мавсумли, 5 йўналишда кўп тармоқли касалликларни даволайдиган балнеологик курорт ҳисобланади.*

Ёз фаслида иссиқ ва қуруқ иқлимли шароитда буйраги гломерулонефрит касаллиги билан оғриган беморлар қабул қилинади. Улар учун алоҳида даволаш майдонлари — Аэросолярий, Гелиотерапия, дам олиш боғлари мавжуд. Буйрак фаолиятини яхшилаш мақсадида тарвуз, иссиқ кўк чой истеъмол қилиб, гигиеник душ қабул қилиш тавсия этилади. Беморлардаги касалликнинг тури, кечиши, қон босимларининг доимий назорати, қондаги биохимик, сийдикдаги клиник ўзгаришлар доимо шифокорлар назоратида бўлади.



Йилнинг қолган фаслларида санаторий кўп тармоқли масканга айланиб, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат аъзолари, бўйин, умуртқа поғона хасталиклари, ардиологик, неврологик, гинекологик, эндокринологик, сийдик чиқарув йўллари шамоллаши, андрологик ҳамда марказий нерв системалари касалликлари билан хасталанган беморлар қабул қилиниб, даволанади.

Даволашнинг табиий манбаларидан бири — маъданли шифобахш сув билан ошқозонни наҳорда ювиш, ичакларни ва 12 бармоқли ичакни зонд билан ювиш, аёллар бачадонидаги гинекологик шамоллаш ҳолатларини даволаш муолажалари ҳам олиб борилади.

Санаторийга борганимизда дам олувчиларнинг қизғин суҳбати устидан чиқдик. Уларнинг ушбу маскан ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик:

— Умр йўлдошим билан кўп сиҳатгоҳларда дам олиб, даволанганмиз, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, шофирконлик Азим Латипов. — Йиллар ўтган сайин улар орасида яхшиси — ўзимизнинг «Ситораи Моҳи Хоса» эканига амин бўлдик. Шу сабабли имкон топишимиз билан ушбу санаторийга келяпмиз.

Унинг фикрини Москва давлат университети доценти А.Мураткин давом эттириб:

— Бу сиҳатгоҳнинг ўзига хос табиати, шифобахш сувини ҳамма жойда ҳам кўравермайсиз. Айниқса, ундаги даволаш хоналарининг тоза-озодалиги, яхлит бинолар ичкарисида, ранг-баранг гуллар билан бурканганини айтмайсизми?! — дейди.

Россиянинг Рубцовский шаҳрида истиқомат қилувчи Зинаида Тимченко ва калининградлик Григорий Гордейлар ушбу санаторийнинг ёқимли ҳавоси, турли гуллар, мевали ва манзарали дарахтлар билан чирой очганига ҳавасманд эканликларини, шу сабабли кўп йилдан буён фақат шу масканга келаётганликларини эътироф этишди.

Санаторийнинг ўзига хос сифатлари ҳақида корейс миллатига мансуб Мария Тян, Россиянинг Владивосток шаҳридан бешинчи бор икки ойлик дам олишга келган Александр Аристов,



Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидан бешинчи бор келган Зауре Балтаева, Базаргул Раҳматова ҳам мамнуният билан сўзлаб, айниқса, бу ернинг иқлим шароити қуруқ ва ёқимли эканини тилга олишди.

— Бизда дам олиш, даволаш ва парҳезли овқатланиш услублари Ибн Сино асарларидаги тавсиялар асосида ташкил этилади. Инновацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда санаторийда замонавий даволаш усулларини жорий этишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди санаторий директори Умар Шеров. — Ҳозирда 300 нафар дам олувчига хизмат кўрсатаяпмиз. Ёз фаслида эса дунёнинг турли мамлакатларидан келувчилар ўртача 400 нафардан ошаётир. Бу эса бизга янада катта масъулият юклайди.

**Эшмурод БОБОМУРОДОВ,**
фахрий журналист

Бизга қўнғироқ қилишди

# «СЕВГИ ИЗТИРОБИ» ЭКРАНГА ҚАЙТАДИМИ?

*«Ishonch» газетасининг ўтган йили 2 ноябрдаги сонида эълон қилинган «Қора муҳаббат ўзбекларга керакми?» сарлавҳали мақолада сериалларнинг ёшлар тарбиясига таъсири тўғрисида сўз юритилганди. Яқинда бухоролик муштарийларимиздан бири Икромжон Каримов таҳририятга қўнғироқ қилиб, мақола юзасидан фикрини билдирди. Унинг таъкидлашича, севги мавзусидаги хорижий сериаллар, айниқса, «Севги изтироби» ёшлар ахлоқига салбий таъсир қилмоқда.*

— Шу сериал бошланганида телевизорни бошқа каналга олганим учун оиламдагилар билан аразлашиб ҳам қолдим, — дейди у. — Бировнинг хотинига кўз олайтираётган йигит, ўз эри қолиб, бошқа йигитнинг ортидан чопаётган аёлнинг шаҳвоний кечинмаларининг бизга нима кераги бор? Бу лавҳаларни кўргач, ёшлар онгига «муҳаббат шунақа бўларкан» деган фикр сингиб қолмайдими? Маҳаллада ҳар куни шу мавзу муҳокама бўлади. Кўпчилик ушбу сериалнинг намойиш қилинишига қарши. Шу мақола чоп этилгач, телевидениега қўнғироқ қилиб: «Ўрнига тарихий ёки менталитетимизга мосроқ бошқа филм намойиш қилинса бўлмайдими?», деган саволни қўйдим. Аммо натижаси бўлмади. Яхшики, яқинда хушхабар тарқалди. Энди ўзбекларга «Севги изтироби»даги шармандалик тарғиб қилинмас экан. Бироқ интернет сайтларидан бирида телеканал ходими сериални экранга қайтарилишига умид қилишини айтган. Боиси, уни сотиб олишга катта маблағ сарфланган экан. Қизиқ, қайсидир ТВ канал моддий зарар кўрмаслиги учун ёшларимиз тарбиясига кўз юмишимиз керакми? Сизлардан республикамизда кўзга кўринган оммавий ахборот воситаси вакиллари сифатида мазкур сериал, умуман, ёшларимиз ахлоқига салбий таъсир қилувчи шу каби «маҳсулотлар» кенг оммага намойиш этилишига имкон даражасида қаршилик қилишингизни сўрайман...

Мавзуга муштарийнинг куюнчаклиги сабаб қайтдик.

### НИҲОННИНГ ПАЛТОСИ

Ёшларимизнинг филм қаҳрамонларининг кийиниш услубидан андоза олаётгани ҳақиқат. Очиқ-сочиқ либослар, турфа рангга бўялган сочлар борган сари урф бўлмоқда. Бу мавзуда газеталар, сайтлар, турли ташкилотлар вакиллари, ҳатто қўшиқчилар ҳам «панднома»лар битди. «Янги, демократик жамият, нима қилибди? Хоҳлаган кийимини кийиб юраверсин. Сочини истаганича турмакласин. Бу — тараққиёт белгиси», дейдиганлар топилди.

Ҳатто бозор расталарида сериал қаҳрамонлари номи билан аталувчи кийим-кечаклар пайдо бўлди. Қизиғи, ҳатто ичкиймларга ҳам сериал қаҳрамонларининг исмини қўйиш одатга айланди. Ёшларимиз ҳам ушбу матоларга ишқибоз бўлишяпти. Яқинда бир дугонам келинлик сарпосига «Ниҳоннинг палтоси»ни қўшиш учун бозорга кета-



ётганига гувоҳ бўлдим. Одатда сарпога яхши ният билан нарсалар харид қилинарди. Филм қаҳрамони Ниҳонни эса яхши келин дейишга тил айланмайди.

### ТАТУИРОВКА

Муқаддас динимизда инсон баданига сурат чизиш катта гуноҳ саналади. Аммо, мазкур сериал чиқди-ю, яна бир соҳа вакилларининг бозори чопди. Бу баданга расм чизувчи — «татуировкачилар»дир. Сериалда гўёки абадий севги рамзи сифатида талқин этиладиган чексизлик белгиси бор. Филмнинг бош қаҳрамонлари Камол ва Ниҳон билакларига ана шу «рамз»ни чиздиришади. Ҳозир филм ишқибози бўлган ёшлар орасида баданига игна билан ёздириш урф бўлиб боряпти. Сурат буюртмачининг талабига кўра хоҳлаган рангда тушириб берилмоқда.

### СЎРОВНОМА

Facebook ижтимоий тармоғидаги гуруҳлардан бири қизиқ сўровнома ўтказди. «Севги изтироби» сериали эфирдан олиб ташлансинми ёки йўқ?» дейилган сўровнома кўпчиликнинг эътиборини тортди. Натижада, аксарият эркакларнинг филмни тарбияга салбий таъсир кўрсатувчи омил сифатида билиши, баъзи аёллар эса ҳар доимгидек сериални севиб томоша қилаётганлари маълум бўлди. Умумий ҳисобда катта фарқ билан «сериал ўзбек аудиториясига тўғри келмайди» дегувчилар ғолиб келди. Изоҳларда филмни киноя билан «Атала севда», «Кўп отали оила», «Ниҳоннинг икки эри», «Эр талашган опа-сингиллар» ва ҳоказо номларда аташди.

Эътибор берсангиз, бу номлар сериал сюжети билан уйқаш. Масалан, унда ёши катта икки эркак бир аёлни талашишади. Сингил ўз опасининг тўйи куни поччасини йўлдан уради. Тўйни бузиб, унга турмушга чиқади. Бошқа бир аёл бегона эркакни деб турмуш ўртоғининг ўлимига, акасининг қамоққа олинишига сабаб бўлади. Яна бири эса ўз эри қолиб бошқа йигитни кечалари билан «туш» кўриб чиқади. Ундан ҳомиладор ҳам бўлиб олади. Эр эса хотинининг жазманини ўлдириш учун одам ёллайди. Ачинарлиси, сериалда улар севгиси учун курашаётган, изтироб чекаётган инсонлар сифатида тасвирланади. Томошабинда, айниқса, ёшларда ижобий фикр уйғотишга, «ошиқ-маъшуқ»ларга ҳамдардлик туйғусини вужудга келтиришга ҳаракат қилинади. Ўйлаб кўринг, бундай ҳамдардлик, «шунақа яшаса ҳам бўларкан» деган тушунча эртага қандай натижаларга олиб келаркин?

Шу ўринда сериални дубляж қилиш жараёнида иштирок этган актёрларга оддий фуқаролар томонидан интернет тармоқларида очиқдан-очиқ таҳдидлар бўлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш




керак. Демак, филм юртдошларимизнинг қаттиқ ҳамиятига тегмоқда.

### СОТИБ ОЛУВЧИЛАР

Ижтимоий тармоқларда кўпчилик нега ушбу сериал фалон пулга сотиб олингани тўғрисида сўраган. Турк киноижодкорлари бисотида тарбиявий аҳамиятга эга, менталитетимизга мос кўплаб филмлар бўлгани ҳолда, нега бундай йўл тутишганидан таажжубланишган. Айниқса, «Кўсем» сериали, «Чоликуши» романининг сериал тарзда қайта саҳналаштирилгани мақталган. Ўзимизда ҳам тарихий мавзуда шу каби филмлар суратга олишни тавсия қилиб, «Севги изтироби» сериалини эфирга узатаётганларнинг миллат маънавиятига зарар етказишда айблашган. Ҳа, бундай қарашга қўшилмай иложингиз йўқ.

Шу ўринда ахлоқсизликни тарғиб қилувчи филмлар, сериаллар, умуман, турли материалларни юртимизга олиб кирувчиларга томошабинлар орасида фарзандлари ҳам борлигини эслатган бўлардик.

**Шоҳсанам МИРЗАОЛИМОВА,**
журналист

Мулоҳаза

*Охирги йилларда АҚШ доллари қийматининг бошқа давлат валюталарига нисбатан бир неча баробар ошиб бориши кўпчиликни хавотирга солиб қўйди. Ушбу мавзу нафақат ҳамюртларимиз, балки дунё халқлари орасида турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда мутахассисларнинг шу масалага оид фикрларини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.*

# ЮАН ДОЛЛАР ЎРНИНИ ЭГАЛЛАЙ ОЛАДИМИ?

## *Америка орадан 100 йил ўтиб Англиянинг мудҳиш хатосини такрорлади*

Интернет тармоқлари орқали халқаро доирадаги малакали иқтисодчилар, турли соҳа мутахассислари тез орада долларнинг етакчилик мавқеига якун ясалиши ҳақидаги тахминларини ўртага ташлашмоқда. Айтишларича, Хитой иқтисодий ўсиш жиҳатидан аллақачон Американи ортда қолдириб улгурган.

Шу ўринда АҚШ долларининг қачондан етакчилик мақомига эришганига аниқлик киритиб ўтсак. Америка XX асрда бўлиб ўтган урушлар, айниқса, иккинчи жаҳон уруши даврида турли қурол-аслаҳаларини сотиш эвазига энг бой давлатга айланган.

Барчага яхши маълумки, ўша вақтга қадар дунё валюталари ўртасида етакчилик шоҳсупаси Буюк Британиянинг фунтига тегишли бўлган. Манбаларга қараганда, Англия 1913 йилда ҳарбий базасини Яқин Шарқ ҳудудига олиб кириши билан иқтисоди заифлаша бошлаган. Бунга тарихий масканнинг ўзига хос сир-синоатлари сабаб бўлганми ёки шунчаки тасодифми, Англия давлати раҳбарлари узоқ ўйлаб ўтирмасдан қуролли кучларини ушбу заминдан зудлик билан олиб чиқиб кетишади. Шунга қарамай, Буюк Британиянинг иқтисоди йил сайин ожизлашиб бораверган. Натижада, 1944 йилда қарзга ботган Англиянинг миллий валютаси ўз ўрнини АҚШ долларига бўшатиб беради.

Солиштириб кўрадиган бўлсак, орадан 100 йил ўтиб Америка Англиянинг ушбу хатосини такрорлади. 2013 йилда АҚШ ҳарбий кучларини айнан Яқин Шарқ ҳудудига олиб кириши билан иқтисодида жиддий эврилишлар кузатила бошлаган. Маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар Американинг давлат қарзи 20 трлн. доллардан ошиб кетган.

Давлат қарзи деганда, аввало, унинг бошқа давлатлардан қарз эканлигини инобатга олиш зарур. Қарздорлигининг энг катта қисми эса Хитойга тегишли бўлиб, жами 1,177 трлн. долларни ташкил этади. Япониядан 1,084 трлн., Ирландиядан 328,7 млрд. доллар, хуллас қарз берган давлатлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Халқаро молиявий экспертлар бундай қарздорликдан кейин дунёда энг катта иқтисодий инқироз юз бериши, яъни «доллар пуфаги» ёрилишини башорат қилишмоқда. Бундай инқироз рўй берган тақдирда эса АҚШнинг дунёдаги гегемонлик шоҳсупасини Россия, Хитой каби бир неча давлатлар эгаллаши мумкинлиги ҳам тахмин қилинаяпти.

1 трлн. доллардан ошиқ захира жамғармаси бўлган Хитойнинг иқтисоди тегишли халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, салкам 20 трлн. 500 млрд. долларлик қарз ҳатто Америкадек қудратли давлат учун ҳам катта муаммо эканлигини тушуниш қийин эмас.

Демак, Англиянинг инқирози 1913 йилда бошланган бўлиб, орадан 31 йил ўтиб гегемонлик мавқеи АҚШга бой берилган. Шундай экан, Хитой юанининг етакчи ўринни эгаллаши учун ҳам шунча вақт керак бўлади, деган хулосага келиш мумкинми?..

Албатта, булар башоратчи ва фаразчиларнинг тахминлари. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз... Яна ким билади дейсиз...

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
«Ishonch» мухбири

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-йил 11 январда Ўзбекистон ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Абдулазиз Абдуллаев, Тўлқин Тешабоев, Эсон Ражабов, Улуғбек Жалменов, Фарҳод Ханапияев, Равшан Бедилов, Асрор Ишанходжаев, Муҳаббат Ўрмонбекова, Оксана Белоусова, Тимур Мамажонов *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Акмал Тошев

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Сотувда эркин нархда.
Газета «Ishonch»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-91) 141-27-70
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**Навбатчи муҳаррир:**
А. Тошев
**Навбатчи:**
С. Ҳайдаров
**Мусаҳҳиҳ:**
А. Абулфаизов
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: — 02:10
Топширилди: — 03:30
1 2 3 4 5
Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г— 209.**
**35402** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133